17:00 "Болалар худуди"
17:15 Мультифилм
17:30 "Парламент соати 5 дақиқа"
18:05 "Карина-Карина" т/с (84-қисм)
19:45 "Муҳаббат симфонияси" т/с (144-қисм)
21:00 "Хорик хабарлари"
21:05 "Тошойна" (Кўрсатуви меҳмони Мушвар Абдулаева)
21:40 "Жийда гули" т/с (13-қисм)
22:15 "НТТ спорт"
22:40 "Етти хайбал, битта кал" б/ф
00:20 Тунингиз хайри бўлсин!

Пайшанба

06:00 "Онлайн хабарлари"
06:05 Музгоз наволар
06:30 10:30 16:00 "Пойтахт хабарлари"
06:35 14:40 15:40 18:35 "Форум вақти"
06:40 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 10:00 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифилм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 11:00 14:00 15:20 17:35 18:30

21:00 "Хорик хабарлари"
08:05 "Тошойна"
08:40 10:40 11:45 13:45 15:30 19:15 00:00 НТТда мусиқа
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Жийда гули" т/с
09:35 Кутулмаган томоша
09:45 17:40 19:30 "Бизнес-промо"
10:05 Хужжатли фильм
10:35 16:55 17:55 Кинотабассум
11:05 "Хаёт қадри" т/с (13-қисм)
12:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Етти хайбал, битта кал" б/ф
14:05 "25-кадр"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
15:25 "НТТ спорт"
16:05 19:45 "Муҳаббат симфонияси" т/с
16:40 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
17:00 "Болалар худуди"
17:15 Мультифилм
17:30 "Парламент соати 5 дақиқа"
18:05 "Карина-Карина" т/с
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
21:05 "Тахлиз"
21:40 "Жийда гули" т/с (14-қисм)
22:15 "НТТ спорт"
22:40 "Қўшним - Жосуе" б/ф
00:15 Тунингиз хайри бўлсин!

Жума

06:00 10:00 "Онлайн хабарлари"
06:05 Музгоз наволар
06:30 10:30 16:00 "Пойтахт хабарлари"
06:35 14:40 15:40 18:35 "Форум вақти"
06:40 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифилм
07:30 15:00 20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 11:00 14:00 15:20 17:35 18:30 21:00 "Хорик хабарлари"
08:05 "Копкон"
08:40 10:40 11:45 13:45 15:30 19:15 23:30 НТТда мусиқа
09:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Жийда гули" т/с (14-қисм)
09:35 Кутулмаган томоша
09:45 17:40 19:30 "Бизнес-промо"
10:05 Хужжатли фильм
10:35 16:55 17:55 Кинотабассум
11:05 "Хаёт қадри" т/с (14-қисм)
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Қўшним - Жосуе" б/ф
14:05 "Тошойна"
14:40 17:30 "Парламент соати 5 дақиқа"
15:25 21:45 "НТТ спорт"
16:05 19:45 "Муҳаббат симфонияси" т/с
16:40 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
17:00 "Болалар худуди"
17:15 Мультифилм
18:05 "Карина-Карина" т/с (86-қисм)
21:05 "Копкон"
21:50 "Жаноб чеч қиз" б/ф
23:45 Тунги кинотабассум "Авгар" б/ф
02:30 Тунингиз хайри бўлсин!

Шанба

06:00 09:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
06:05 Музгоз наволар
06:30 08:00 15:00 20:20 "Хорик хабарлари"
06:35 14:45 "Форум вақти"
06:40 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:30 19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Яхши кайфият"
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:05 Болалар соати
09:05 "Жийда гули" т/с (11, 12, 13, 14-қисмлар)
11:00 Форум вақти
11:15 15:35 19:50 23:45 НТТда мусиқа
11:35 "Жаноб чеч қиз" б/ф
13:00 "Дийдор ширин" мусиқалик олин дастури
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:40 "Менинг маърифатим ўзбекистон"
15:05 "25-кадр" кинокўрсатуви
15:30 "Оналик хабарлари"
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:30 Кутулмаган томоша
16:45 17:40 "Бизнес-промо"
17:00 Мультифилм
17:55 Кинотабассум
18:05 "Ижтимоий тармок" б/ф
20:00 "Парламент соати"
20:25 "Хафта спорти"
20:35 "Тан" кўнгли очар кўрсатуви
21:30 Кезиқ кинолал: "Чулки бу тақдир" б/ф (Хиндустон)
00:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Якшанба

06:30 Музгоз наволар
07:00 "Хафта спорти"
07:30 "Форум вақти"
07:35 Кинотабассум
07:30 Информацион блок
08:00 Болалар соати
09:00 "Копкон"
09:35 "Муҳаббат симфонияси" т/с
11:55 19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви
12:00 "Тан" кўнгли очар кўрсатуви
13:00 "Чулки бу тақдир" б/ф (Хиндустон)
15:30 "Ўзбекистон: 24 соат ичида"
15:35 "Хорик хабарлари"
15:40 "Тахлиз"
16:05 "Форум хабарлари"
16:15 "Тошойна" (Кўрсатуви меҳмони Мушвар Абдулаева)
16:45 17:40 19:35 "Бизнес-промо"
17:00 Мультифилм
17:55 Кинотабассум
18:00 "Қўшним - Жосуе" б/ф
19:00 "Дуно НТТ нигоҳи"
20:00 "Иқолад лаззати"
20:20 "Бахтли ўйин"
телеўйини
21:00 "Дийдор ширин" мусиқалик олин дастури
22:30 "Бахадирлар жағни" б/ф
00:30 НТТда мусиқа
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

↑ ELEKTRON SAVDO

Канада усули

Канада почта хизмати интернетда CentrSource.ca деб номланган янги электрон савдо ресурсини ишга туширди. Бу онлайн дўкон сотувчиларга замонавий технологиялар воситасида ўз харидорларини топишга кўмаклашди.

Мазкур лойиҳа Канада почтаси ва Швейцариянинг CentrSource SA компанияси ҳамкорлиги самараси бўлиб, шерик ташкилот электрон савдо платформасини ишлаб берди. Сайтда геотаргетинг технологияси қўлланилган. Бу технология орқали сотувчилар ўзлари учун керакли ҳудуддаги мижозларга мурожаат қилишлари ва уларни қизиқтирган маҳсулотларни таклиф этишлари мумкин.



Ресурснинг асосий афзаллиги сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам бирдай қулайлигидир. Масалан, тadbirkorлар ўз хизмат доирасини сифатли таҳлил қилиш имконияти ту-

гилгани боис бозордаги йирик компаниялар билан ҳам бемалол рақобатга кириша олишди. Харидорлар бўлса керакли нарсани қидириб дўконма-дўкон овора бўлишмайди.

КЕЧКИ ПОЧТА

Британия почта хизмати — Royal Mail синов тариқа-сида интернет-дўкон ёки каталоглар орқали қилинган буюртмаларни харидорларга кечки пайтда етказиш хизматини синов тариқасида йўлга қўйганига ярим йилдан ошди.

Шунингдек, Royal Mail харидорлар тигиз бўладиган 600та алоқа бўлимида чоршанба кунлари иш соатини кечки саккизгача узайтирган. Бундан мақсад, кундузи ишда бўладиган мижозларга кечки пайт ҳам почта хизматидан фойдаланиш имкониятини беришдир.

ШВЕЙЦАРИЯЛИКЛАР СО₂ ГА ҚАРШИ

Швейцария почтаси мижозлари ҳавога заҳарли газлар чиқарилишини камайтиришга қарши курашиш мақсадида ихтиёрий равишда почта жўнатмаларига қўшимча тўловни амалга оширишга шай. Ҳар бир хат ёки жўнатма тўлови ёнига энди pro clima тўлови ҳам қўшилди. Барча тўпланган маблағлар мамлакатнинг ўзига эмас, балки минглаб чақирим олистга, Тинч океани бағридаги Янги Каледония ороли шамол элсктр станциясини қўллаб-қувватлаш учун жўнатиляпти.

Экологик ҳаракат ўтган йили бошланган эди, ҳисоб-китоб қилинишича, бир йилда 70 миллионга жўнатмадан 270 минг евро тўпланибди.

ФИНЛАР "ЗАНГОРИ ОЛОВ" ГА ЎТИШДИ

Финляндия почтаси табиий газда ишловчи автомобиллардан фойдаланишга ўтапти. Дастлабки олтига Nissan Note машиналари Хелсинкидаги почтачилар автосаройига феврал ойида келтирилган. Уларнинг барчаси бензиндан газга ўтишни таъминловчи Bi-Fuel тизими билан таъминланган.

Яқин орада Тампере, Котка, Лапинранта ва Лахти шаҳарлари почта бўлимлари хизматида ҳам бундай машиналар пайло бўлиши кутиляпти.

ЯПОНЧА МАТОНАТ

Яқинда юз берган мудҳиш zil-зила ва цунами оқибатларига қарамасдан, Япония миллий почта операторининг халқаро бўлими фаолияти узлуксиз давом этмоқда. Япония почтаси, шимолий худудларга юкларни элтишдаги тўхталишларни истисно қилганда, барча турдаги хорижий почта жўнатмаларини қабул қиляпти.

Эътиборли жиҳати, табиий офат оқибатларини бартараф этишда почта фақат ўз кучига таянмоқда, давлат томонидан имтиёзлар ёки молиялаштириш кўзда тутилмаган.



ФАҚАТ ОЛДИНГА

Тўққиз йилдирки, Италия почтаси йилни фақат даромад билан якунляпти. Мамлакат иқтисодий-тида сусайиш кузатилаётгани эътиборга олинса, бу мақтовга сазовор ҳолат.

Ишлаб чиқариш ва почтани етказиш самарадорлигини ошириш, ортиқча харажатлар устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши натижасида Италия почтасининг 2010 йилдаги даромади 1 миллиард 18 миллион еврога ташкил этди, бу бир йил олдингисидан 12,6 фоиз юқоридир.

BIZNES

Skype Microsoft таркибида

Ўтган сешанба кuni Microsoft корпорацияси Skype Technologies компаниясини 8,5 миллиард долларга сотиб олишини маълум қилди. Тўлов пул воситаларида амалга оширилиши маълум қилинган.

Интернет-телефония провайдерининг харид қилиниши Microsoftга видеорекламани жалб этишда катта ёрдам беради, қолаверса, Skypeдан хонадон қурилмалари, масалан, телевизорларда фойдаланиш ривожлантирилади.

Бундай йирик битим Microsoftнинг 36 йиллик тарихида бўлмаганди.

E-TO'LOV



Фоя йўққа чикди

Американинг йирик мобил алоқа операторлари AT&T Inc., Verizon Wireless ва T-Mobile USA ўзларининг мустақил масофавий тўлов тизимини яратиш гоёсидан воз кечишди ва Visa ҳамда Mastercard компаниялари билан NFC технологиясини биргаликда қўллаш борасида музокараларни бошлаб юборишди.


Эслатиб ўтамыз, 10-15 сантиметр узокликдаги қурилмалар ўртасида маълумот алмашишга хизмат қилувчи масофавий тўлов тизими — NFC (ингл. near field communication) технологияси мобил телефонни тўлов воситасига айлантиради.

XAVFSIZLIK

Chromeni бузишди

Франциянинг Vupen Security тармоқ хавфсизлиги компанияси мутахассислари Google Chrome браузерини бузишни уда-дай олишди. Шу пайтгача, Internet Explorer, Firefox ва Safariдан фарқи ўлароқ, Chrome бузиш энг қийин бўлган барузер ҳисобланарди.

“Оқ” хакерлар браузернинг хавфсиз мухитдан чиқиб олишдан ташқари, Microsoft Windows 7 амалиёт тизими интеграциялашган ҳимоя тизимига ҳам киришга муваффақ бўлишди.



INTERNET

Веб-Германия

Германия Европада интернетдан энг кўп фойдаланувчилар яшайдиган мамлакат — 50 миллион фойдаланувчи бор. Немислар ойига ўртача 23,4 соат вақтларини интернетга сарфлашади. Иккинчи ўринда Россия — 47 миллиондан кўпроқ фойдаланувчи ойига 22,8 соат вақтини глобал тармоқда ўтказди.

Интернет учун кетказилган вақт ҳисобида голландлар етакчи — ойига 34,4 соат. Кейинги ўринларда Финляндия, Норвегия ва Ирландия интернет фойдаланувчилари туришибди.

Европанинг энг кўп ташриф буюриладиган сайти — Google (330 миллиондан зиёд фойдаланувчи). Иккинчи ва учинчи ўринларда Microsoft корпорациясининг MSN ва Bing интернет-қидирув тизимлари.

INNOVATSIYALAR

Келажак уйи

Американинг Channel 9 телекомпанияси Microsoft Нотенинг “Келажак рақамли уйи”га уюштирилган саёҳат акс эттирилган видеороликни намойиш этди.

Келажак уйлари, Microsoftнинг наздида, хонадон аҳли билан гаплашади, уларнинг саломатлигини назорат қилади, дори-дармонларнинг ўз вақтида қабул қилинишини эслатади, қандай кийиниш борасида маслаҳат беради, таомлар рецептини тақдим этади, шунингдек, виртуал шаклда бадиий кўргазмалар, дўконларга боришга ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, инновациялар, мобил компьютерлар, ҳисоблаш ва бошқа технологияларни ўзида мужассамлаштиради.

Энг олий кадрият

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиалида шу мавзуга бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда почта ва телекоммуникация алоқаси, давлат алоқа инспекцияси мутахассислари иштирок этдилар.

Тадбирда ТАТУ Фарғона филиали кафедра мудири, доцент Неймат Усмоновнинг “Мустақиллик — энг олий кадрият” мавзусидаги маърузаси тингланди.

Маърузада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ҳақидаги маърузаси, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий ва маъмурдан холи этиш ва унинг сиёсатдан устуңлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юргизиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби беш тамойилга асосланган, “Ўзбек модели” деб ном олган таракқиёт йўли тўғрисида гап борди. Шунингдек, олим юксак мақсад — мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш ва унинг жаҳон жамиятидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган эзу ишлар ва ютуқларга кенг тўхталди. Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келаётгани, улар ўз миллий кадриятларини асраб-авайлаб, бойитишлари учун барча шароитлар яратилганлигига мисоллар келтирди. Дўстлик, бағрикенглик борасида олиб борилаётган ишлар ва натижалар бўйича ўзининг қизиқарли кузатувлари билан ўртоқлашди.

Тадбир сўнгида иштирокчилардан тушган саволларга жавоб берилди.

Ҳ.САЛЯҲОВА

Республика илмий конференцияси

Қарши Давлат университетида Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ҳамкорлигида “Замонавий математиканинг долзарб муаммолари” мавзусида республика илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза конференцияда Қарши, Самарқанд, Бухоро Давлат университетлари, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши ва Нукус филиаллари, Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг профессорлари, илмий ходимлари, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари математик статистика ва ишончлик назарияси, дифференциал ва интеграл кўпайтириш, алгебра ва анализ, геометрия ва топология, ахборот ва коммуникация технологияларининг математик усуллари, математик моделлаштириш ва сонлар усуллари, математика ва информатиканинг ўқитилишида долзарб масалалар юзасидан шўъбаларга бўлиниб, илмий маърузалар қилдилар.

Анжуман доирасида ЎЗМУ профессори Г.Худойбергеновнинг “Математик анализдан маърузалар-2010” китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

Икки кун давом этган конференция иштирокчилари Қарши шаҳрининг диққатта сазовор жойлари билан ҳам танишдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Xabar”нинг
Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Асримизнинг энг илгор ютуқларидан фойдаланаётган, таракқиёт сарни интилаётган юртимизда бугун интернет имкониятлари, ахборот ривожини янаям кенгаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ва бу мисли кўрилмаган тезкор ахборот оламида матбуотнинг ўзига хос ўрнини ҳеч нарса эгаллай олмаслиги ҳам айни ҳақиқат.

Кадри баланд, юзи ёруғ жамоа

Даврий матбуот нашрларини ўз вақтида манзилга етказиш, албатта, почта ва матбуот тарқатиш корхоналари зиммасида. Навоий вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси ҳам ана шундайлардан бири.

Бор-йўғи ўн нафар ишчи-ҳодим ва битта транспорт билан 138та корхона ва ташкилотга, шунингдек, юзлаб яққа тартибдаги обуначиларга хизмат кўрсатаётган бу жамоага ташаббускор ва билимдон, ишнинг кўзини биладиган, иқтисодчилиги учун бўлса керак, “етти ўлчаб, бир кесадиған” Шаҳриёр Рустамов раҳбарлик қилмоқда.

Бу соҳада бамайлихотир ишлаб бўлмайди, у тинимсиз ҳаракатни тақозо этади. Чунки кундалик матбуот нашрлари тандирдан узилган иссиқ нон каби бирин-кетин чиқиб келаверади. Уларни тарқатишни бир кун пайсалга солсангиз борми, тоғдек уюлиб қолиши аниқ. Бундан ташқари, бугун шундай глобаллашув жараёнида кечиккан почта ҳеч кимни қувонтира олмайди. Оқибатда ўзаро ишончга путур этади, ҳамкорликка дарз кетади.

— Гапингизда жон бор, — дейди Шаҳриёр Рустамов. — Ахборот асрига келиб газета-журналлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда бор-йўғи 200та оммавий ахборот воситаси бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 1200дан ошиб кетди. Бу рақамларнинг ўзиёқ ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги ютуқлардан далолат беради. Демак, ишимиз ҳажми ҳам шунга яраша ортгани аниқ. Иш ҳажми, мижозлар сони ҳамкорлик қилиш истигани билдирган корхоналар сафи ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Масалан, 2011 йилнинг биринчи чорагида обуна ва чакана савдо орқали 118 минг 300 дона газета ва жур-



наллар ўз ўқувчиларига етказилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,6 фоизни ташкил этади.

Бундай ютуқни қўлга киритишимизга асосан Навоий иссиқлик электр станцияси, вилоят электр тармоқлари корхонаси, “Навоийазот” очиқ акциядорлик жамияти, Навоий давлат педагогика институти, Навоий маланият ва санъат коллежи, Навоий техника коллежининг муносиб ҳиссаси бор. Навоий ГРЭСидан Замира опа Шомуродовани, Электр тармоқлари корхонасидан Шавкат Турсунов, “Навоийазот”дан Тўлқин ака Рўзимуродов, педагогика олийгоҳидан Аҳмаджон ака Ҳошимовлар бизнинг бу борадаги қадрдонимиз ва ишончли ҳамкоримиз эканлигини алоҳида таъкидлашни хоҳлардим.

Бундан ташқари, юзимизни ёруғ қилиб турган туман, шаҳарлардаги “Матбуот” дўконларимиздаги ходимларимизнинг хизматини ҳам айтишим жоиз. Ҳозиргача 46та ана шундай “Матбуот” дўконимиз фаолият юритаётган бўлиб, бир ёғи тоғли Нуротадан тортиб, бу ёғи Учқудуқнинг чўлларигача газета-журналлар тарқатиш билан шуғулланмоқда. Масалан, Учқудуқда 4та, Зарафшон шаҳрида 6та, Навоий шаҳрида 20та ана шундай дўконлар одамлар хизматида. Яқинда яна 2та янги дўкон иш бошлайди.

“Матбуот” дўконларида фидойи, ўз касбини яхши кўрадиган инсонлар меҳнат қилади. Шундайлардан Темир йўл вокзали ҳудудидида Малика Бўриева, Конимех туманида Толиб Саломов, Хатирчи туманида Хайринисо Пирматова, Навоий шаҳридаги “Гулистон” бозори ёнидаги дўконда Моҳира Аъзамовалар хушмуомалалиги ва самимийлиги учун эл ўртасида ҳурмат-эътибор топанлардан. Улар даврий матбуот нашрларини тарқатиш билан шуғулланибгина қолмай, обуна мавсумида фаол иштирок этиб, обуна сонини кўпайтиришга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Қолган барча ишлар эса шўъба

корхонаси ходимлари Жўрабек Саймаматов, Бобоқул Қобилов, Феруза Фаффорова, Сурайё Аслановаларнинг зиммасида. Улар учун ҳар бир кун хайрли ва баракали. Меҳнатлари билан кадрлари баланд, юзлари одамлар олдиди доимо ёруғ бу жамоага кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Бир оила фарзандидек, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаётган аҳил жамоада ҳамкорларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳоимийлик кўрсатиш ишларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Навоий информатика ва электрон саноати ва Зарафшон компютер технологиялари касб-хунар коллежларида 3 миллион 700 минг сўмдан ортиқроқ маблағни кўргазмали плакатлар, китоблар олиб беришга сарфлашди. “Алоқа Информ”, “ICT NEWS”, “Таблим технологиялари” каби даврий нашрларга бепул обунани ташкил қилиб беришда ҳам шўъба корхонасидан ўрнак олса арзийди.

Обуначиларга қўлайлик яратиш мақсадида учта терминал ўрнатилган бўлиб, ҳисоб-китоблар пластик қарточкалар орқали ҳам амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Соҳа ходимларининг замон талабига мос билимларга эга бўлишини таъминлашга эришиш учун Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳасанжон Қаюмов ва вилоят Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Фафуржон Орзиқуловлар иштирокида мунтазам равишда ўтказилаётган семинарларда зарур тавсиялар ва кўрсатмалар бериб борилмоқда.

Келгусидаги режалар ҳам худди ютуқлар каби улкан. Элга намунали хизмат кўрсатиш учун шинам ва замонавий маъмурий бино қурилиши режалаштирилган бўлиб, бу ҳам, албатта, амалга ошади. Чунки бу борадаги дастлабки қадамлар қўйилгани фикримизга гувоҳ.

Маруза ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг
Навоий вилоятидаги мухбири

Олим ва педагог

Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Физика” кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Каҳҳор Абдурахмонов 70 ёшга тўлди.



У 1941 йил 8 майда Тошкент шаҳрида туғилган. 1948-1958 йилларда Тошкент шаҳридаги 1-ўрта мактабда ўқиди. Меҳнат фаолиятини Тошкент транспорт машинасозлиги заводиди асбобсоз-тоқар касбидан бошлади.

1960-1966 йилларда Тошкент Давлат университетиди таҳсил олди.

ТАТУнинг “Физика” кафедрасиди профессор Қ.Абдурахмонов бошчилигида ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологиялари юқори даражада таъбиқ этилди. Физика фанининг барча қисмларига оид 21та виртуал лаборатория ишлари ва 45та мультимедиа маърузалари яратилди. Виртуал лаборатория ишларини бажариш учун 15та компютердан иборат компютер синфи ташкил этилди. Замонавий ахборот дастурий таъминотлардан (Matlab, Mathcad ва б.) самарали фойдаланилган ҳолда амалий машғулотларни ўтишда физикавий жараёнларни моделлаштириш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарорига асосан, кафедрада тажриба тариқасиди алоҳида гуруҳга масофадан ўқитиш олиб борилмоқда. У бошчилигида “Физика” кафедрасиди техника олий ўқув юртлиари бакалаврлари учун физика фанининг замонавий ўқув мажмуаси тайёрланди.

34 босма табоқли «Физика» ўқув дарслиги кирилл ва лотин ёзувларида, 38 босма табоқли «Физика курсидан мультимедиа маърузалари тўплами» ўқув қўлланмаси, лаборатория ишларини бажариш учун 6 қисмдан иборат тўплам, амалий машғулотларни бажариш учун 8 қисмдан иборат тўплам, ўзбек ва рус тилларида виртуал лаборатория ишларини бажариш учун ўқув қўлланмалари ва барча юқориди келтирилган дарслик, ўқув қўлланмаларининг электрон версиялари тайёрланди.

Талабаларни илмий ишларга жалб этиш, мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш, физикавий жараён ва ҳодисаларни моделлаштириш мақсадиди амалий машғулотларни ўтиш жараёнига Interactive Physics дастур пакетлари жорий этилди. Ҳозирги кунда ушбу замонавий технологиялар Тошкент ахборот технологиялари университетиди бакалавриятнинг барча таълим йўналишларида кенг фойдаланилмоқда ва унинг минтақавий филиалларига ҳам жорий этилмоқда.

Қ.Абдурахмонов фан уюқларини ишлаб чиқаришга кенг таъбиқ этиш мақсадиди, республикада инновацион жараённи шакллантиришда фаол хизмат кўрсатиб келяпти. У 1994 йили Микроэлектроника ва махсус техника илмий ишлаб-чиқариш марказини таш-

кил этди ва унга ҳозирги кунгача раҳбарлик қилиб келмоқда.

Изланувчан олим нафақат кафедра, балки университет ва республика миқёсиди ташкилотчилик фаолиятини самарали олиб бормоқда. ТАТУнинг Илмий кенгаши, Илмий-техника кенгаши, Илмий-услубий кенгаши, Маслаҳатчилар кенгаши аъзоси сифатида уларнинг фаолиятида иштирок этмоқда. Амалий тадқиқотлар ва инновация лойиҳалари дастурларини шакллантиришда, амалга оширишда ҳам қатнашиб, ўз тажрибасини тақлиф этиб келмоқда.

Қ.Абдурахмонов 2002 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриди Илмий-техника ривожланишини мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Олий Аттестация комиссиясининг физика фанлари бўйича

Эксперт кенгаши аъзоси, 2006 йилдан Қўмитанинг «Ахборотларни узатиш, қайта ишлаш ва химоя қилишни таъминловчи технологияларни яратиш ҳамда бошқариш ва лойиҳалаштиришнинг интеллектуал тизимларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши бўйича Идоралараро кенгаш аъзосидир.

Ахборот-телекоммуникация соҳаси ривожланишини белгилловчи устувор йўналишга мувофиқ илмий-техникавий дастурни тайёрлашда фаол иштирок этиб келмоқда.

У ўзининг илмий фаолияти даврида 250дан ортиқ илмий мақолалар ва ихтиролар чоп этди, 9та фан номзоди ва 2та фан доктори тайёрлади.

Ҳозирги кунда унинг маслаҳатчилигида икки нафар докторант ва раҳбарлигида учта аспирант илмий излашлар олиб бормоқдалар. Шогирдлари бир қатор олий ўқув юртлиарида (Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат авиация институти, Андижон Давлат университети, Нукус Давлат университети, Шотландия кремний водийси ва АҚШда) фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Юқори илмий салоҳиятта, катта ҳаёт тажрибага эга, меҳрибон устоз ва мураббий Каҳҳор Абдурахмоновга сийқат-саломатлик ва узок умр тилаймиз.

О.АБДУАХИЗОВ,
ТАТУ радиотехника,
радиоалоқа ва телерадиоинженерлик
факултети декани

Шукрнинг мукофотлари

Ака ишга отланар экан ука эргашарди:

— Мени ҳам ишга олиб бординг. Мен ҳам сиз билан ишлай.

Уканинг ялинчок овозига ака парво қилмасди:

— Яна озгина катта бўл. Хали жуда кичкинасан!

Ака “Телеграммани эгасига еткази қолай”, дея вақт бемаҳал велосипедини елдириб кетса, қалбиди фаҳр ва ҳавас қоришиқ туйғулор ила ортидан қараб қолади. Лекин ишлайдиган кунлар узок куттирмади.

Ота вафот этганда Расул эндигина ўн ёшга тўлганди. Аканинг бошқа чораси қолмади.

— Байрам яқин. Хат-хабар, жўнатмалар кўпайгандан-кўпайди. Бугун мактабдан сўнг менга ёрдам берасан.

— Ростданими? Эҳ-ҳе, — қичқирди қувончини яширолмайд ука. — Мен энди хабарчиман. Хабарчи!

Ҳадемай кўчадаги болаларнинг кўзларини куйдириб, у маҳалладан бу маҳаллага ўзидан анча катта велосипедни фиғиллатиб, телеграмма, хат-хабарлар таширди.

— Вой, мана бу хат жилдини. Маркази жуда чиройли экан. Битта кўрай, — дея тиркишлик қилган болаларни огоҳлантирарди:

— Мумкин эмас. Ўқиб ҳам, кўриш ҳам.

Шундай азиз, ноёб нарсаларга масъуллик, ишончга сазоворлик туйғусидан шодланарди.

Кўнглида ана шу туйғулор юксала борсада, унга жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб, болаларни бу ҳайратли дунёга олиб кириш орзуси тинчлик бермасди.

Мактабни тугаллаб, олийгоҳга ҳужжатларини топширишга ўша кунлар тоби қочиб имтиҳонларнинг сўнгини топширолмади. Келаси йилгача ўзи севган хабарчилигини қилиб турмоқчи бўлди.

Иши пухта, гапи бутун хабарчи раҳбариятга ҳам маъқул келиб қолди. Ҳеч қанча ишламай Дўрмонча алоқа бўлимига бошлиқ этиб тайинланди.

Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, аввал Тошкент алоқа техникумида, сўнг институтида таҳсил қилди. Почта ишини ипидан-игнасиғача биладиган ёш мутахассис бўлиб танилди. Саксонинчи йилларда 67 миң кишилик республика алоқачилар орасидан энг фаоли деб топилди, йирик анжуманларда қатнашди. Бир муддат республика Алоқа вазирлигида хизмат қилди. 1992 йилдан 2007 йилгача Бағдод почта алоқаси тармоғини муваффақият билан бошқарди. Соҳа учун синов йилларида почта нуфузини ошира бориш ташвишида ҳаловат билмади. Салоҳиятини ишга қарата оладиган ходимларни жамлаб, ишни тўғри ташкил эта олди. Почта ишини ўзига касб қилиб олмақчи бўлган кичик корхона пайдо бўлганда ҳам ўзини йўқотиб қўймади. Бир қатор қўшимча хизматларни йўлга қўйиб, 20та алоқа бўлимининг ҳам, ходимларини ҳам сақлаб қолди. Кичик корхона эса одамлар ишончини қозона олмади — синди. Унинг жамоаси коммунал тўловлар йиғимини тўғри ва юқори даражада ташкил этишда вилоятда доимо

олдинги ўринда борди. Спорт мусобақаларида 30тадан кўп кубокни кўлга киритди. “Энг намунали касабга уюшмаси қўмитаси” танловига голиб бўлди. 2006-2007 йиллар Фарғона филиали тариқиди оғир йиллар бўлиб, соҳада фаолият тубдан яхшилаш мақсадиди директориликка ўша пайтда Марғилон почта алоқаси тармоғини бошқараётган Муродил Маҳмудов тайинланди. Шу муносабат билан филиалга шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларидаги етуқ мутахассис кадрлар тортилди. Улар орасиди Расул ака Қамбаров ҳам бўлиб, филиал директори биринчи ўринбосари лавозимиди иш бошлади.

Фаолиятни яхшилаш, йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш, соҳага алашиб кириб қолганлардан воз кечиш, ўзибўларчилик ҳолларида чек қўйиш ишлари оқилона ташкил этилди. Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмади. Жуда кўп изланиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳулоса чиқариш, тер тўкишга тўғри келди. Эндиликда фаолият уялмай-диган, барқарор ҳолатга келтирилди. Очик акциядорлик жамиятининг буйруқ, фармойишлари, қарорлари ҳаётга таъбиқ этилиб, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалишига филиал ўз улушини қўшмоқда. Дароматлар ортиб, бизнес-режалар ҳам ортиги билан удаланимоқда. Барча кадрларнинг малакаси ошириб борилмақда. Соҳага ахборот технологиялари жадал киритилди. Буларнинг ҳаммасида қаҳрамонимизнинг хизматлари катта.

Расул ака Қамбаровнинг яна бир фазилати ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Унинг матбуот ходимларига, журналчиларга бўлган эътибори бежиз эмас. Мактаб ёпилдан то яқин-яқингача ҳам “Фарғона ҳақиқати” ҳамда “Хабар”

газеталарига мақолалар ёзган. “Гузаликка ошно қалб”, “Хабарчининг бир кунини”, “Эл-юрт ишончи — олий бахт” каби мақолалари ҳамон тиллардан тўшмай келади. Унинг юзлаб мақолалари маънавиятни юксалтиришга хизмат қилди.

— Ҳаётда қандай мартабаларга эришган бўлсам, бунинг учун мен акам Ҳабибулло Қамбаров, Нўмон Каримов, Нурмуҳаммад Ортиқов, Қаҳрамон Мадаминов сингари устозларимдан чексиз миннатдорман. Уларнинг яхшиликларини балки қайтара олмагандирман, лекин ўз шогирдларимга қайтардим, десам асло муболага бўлмайди. Шогирдларим кўп. Улар биздан донороқ ва зукороқ. Ўзлари танлаган йўлдан оғишмай боришяпти, барака топишсин...

Расул аканинг бахти шундаки, икки ўли ҳам ота касбини арлоқлашмоқда Шухратжон Бағдод почта алоқаси тармоғи бошлиғи, Равшанбек Янгикўрғон почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари. Улар ўзларининг ташаббускорона меҳнатлари билан оталари ҳурматини оширмоқдалар. Уч қизлари турли касб эгалари бўлиб, ҳаётда ўз ўринларини топишган. Ўн икки нафар неварасини ҳаётда энг тотли қувончлари, почта соҳаси ривожини йўлида чеккан заҳматларига сабр, неъматларига шукр қилганларининг мукофотлари деб билади.

Алоқачилар кунини арафасиди туғилганининг хосияти ҳам умри давомиди исботини топиб келмоқда. Шундай кунларда узоқ йиллик самарали меҳнатлари учун фахрий ёрлиқлар, “Ўз касбининг устаси” қўқрак нишони билан тақдирланган.

Айни кунда фаолиятига салкам 45 йил, таваллудига 60 йил тўлган юбилйарга бундан-да зиёда умр, фарзандлар бахти-камолини қўришликни тилаймиз.

Ҳафиза АСҚАРОВА

Хотира дарахти

Ха, хотира ҳам дарахтдай гап. У ҳам эътибор берганинг сари куртак чиқариб, барг ёзда. Чаман бўлиб очилади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг хотира дарахти эса мана, ўн уч йилдики, бир ўзгача гуллайди, буй таратади.

Тўғри, бу дарахт илгари ҳам, ҳатто шўролар даврида ҳам гуллаган. Бироқ унинг бугунги гуллашида айрича ўзига хосликлар билан бирга, ифтихор қилса аригулик, жозиб жижатлар ҳам бор.

Хўш, бу байрамнинг шўровий байрамдан фарқи ва ўзига хослиги нимада?

Аввало, миллийлиги, инсонийлиги ва энг муҳими халқчиллиги, дегимиз келади.

Миллийлик ҳар бир халқнинг ўз табиати, анъана ва урф-одатларидан келиб чиқиб шаклланидиган қадриятдир. Демак,

бизнинг хотира дарахтимиз ҳам ўзбек халқининг ўзидай, ўзбекона руҳда яшнаб борапти.

Инсонийлик хислатлари кучли одамнинг бағри кенг, мурувати баланд, жавонмардлиги янада юксак бўлади. Халқчил қадриятлар эса дин, ирқ, миллат ажратмайди. Буюк халқлар каби кучюғини барчага баробар очади.

— Ҳар йил баҳор ойларида нишонланган Хотира ва Қадрлаш куни “Ўзбекистон почтаси” очик акциядорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари қалбига ҳам айрича ҳис-туйғулар олиб киради, — дейди жамиятнинг кадрлар ва малака ошириш бўлими бошлиғи Тожимурод Хўжақулов. — Бунинг сабаби, Ўзбекистонда биронга шаҳар, қишлоқ ёки маҳалла йўқки, урушлар, Сталин қапагонлари, мустамаккачилик сиёсатиға қурбонлар бермаган бўлсин. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг сони ҳам тобора сийрақлашиб бораётгани юракларимиз-

даги афсус ва хавотир туйғуларини йилдан-йилга кучайтираётгани сир эмас.

Фуқаролари қалбидаги бу оғриқни чуқур ҳис қилган ҳукуратимиз бу йил уруш қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига уч юз минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатгани Хотира ва Қадрлаш куни байрами нақдалар инсоний, нақдалар халқчил қиёфа касб этиб бораётганидан далолатдир.

Жамиятимиз раҳбариятининг алоҳида буйруғи билан “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ тизимларида фаолият юритган 55 нафар уруш ногирони ва қатнашчиларининг ҳар бирига совға-саломлар билан бирга, 100 минг сўмдан қўшимча моддий ёрдамлар кўрсатилди. Ҳукуратимиз ҳамда жамиятимиз раҳбарияти томонидан ажратилган маблағлар, ноз-неъматлар ўз эгаларига белгиланган муддатларда иззат-иқром билан топширилди.

Н.ТҮЙЧИЕВ

UCell: ЕТТИТА “CHEVROLET SPARK” ЎЗ ЭГАЛАРИНИ ТОПДИ

Ucell мобил алоқа оператори “Super 7” акцияси доирасида етти «Chevrolet Spark» автомашинасининг омадли эгаларини аниқлаш маросимини ўтказди.

Мақсуд акция 15 февралдан 21 апрелгача ўтказилган эди ва унда 1,5 миллионга яқин UCell абонентлари иштирок этди. Булар янги, яъни акция амал қилиш муддати давомида уланган, айна пайтда Prepaid тизимидаги барча мавжуд абонентлар эди. 2011 йил 29 апрел куни барча акция иштирокчиларига имкониятлар ва шахсий иштирокчи кодлари белгиланган бўлиб, улар махсус SMS хабари билан хабардор этилган эдилар.

Жорий йилнинг 7 май куни Тошкентдаги муҳташам “Интерконтинентал” меҳмонхонасида 600 ортиқ акция иштирокчилари ва маросим меҳмонлари тўпланишди. Тадбир ташкилотчилари мамлакатимиз эстрадаси юлдузлари Сардор Раҳимхон ва Зийёда иштирокидаги кўнгличлар дастурини тайёрлашди, Амир Темурур залида байрамона шуқуҳ умқрон эди, етти «Chevrolet Spark» автомобилларининг эгаларини аниқлаш ўйини эса алоҳида кайфият бағишлади.



Автомобилларнинг эгаларини аниқлаш тадбир кулминациясига айланди: тантанали мусиқа остида маросим иштирокчиларидан тасодикий танлаб олинган инсонлар лототрондан рақамлар битилган шарларни олишди ва шу тарзда ютуқли имкониятлар рақамларини аниқлашди, барча меҳмонлар акциянинг етти ғолиби, яъни етти «Chevrolet Spark» эгалари аниқланганининг гувоҳи бўлдилар.

«UCell Ўзбекистон бозорида фаол ишлаб келмоқда. Биз тармоғимизни кенгайтириб, янги инновацион хизматлар тақдим қилмоқдамиз, — деди UCell бош директори жаноб Огуз Мемигуевен. — Бизнинг барча меҳнатимиз мижозларимиз учун амалга ошириляпти ва биз учун уларни хурсанд қилиш жуда муҳим, шунинг учун бундай акцияларни келажакда кўплаб ташкил этамиз».

Аҳил жамоа ютуғи

миллион сўмлик обуна расмийлаштирилди.

Ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг унумли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Тўрт нафар хабарчиға велосипед, мусобақа ғолибларини рағбатлантириш учун 7 миллион 100 минг сўмлик мукофот берилди. Барча ходимларға қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш учун энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдориди пул берилди.

Қўлга киритилган муваффақиятларда Баҳодир Жоналиев бошлиқ Жангар, Олимжон Маматқулов бошлиқ Қоражйида, Умидаҳон Мадраҳимова бош-

лиқ Раввот, Гавҳархон Дадахонова бошлиқ Эшонгузар, Қимматхон Мамалдиева бошлиқ Марказий алоқа бўлимларининг муносиб ҳиссалари бор.

Аҳолиға намунали хизмат кўрсатиб, мусобақада пешқадамлик қилаётган Таваккал Турғунов, Иқром Ҳамзаев, Ботирали Нурматов, Шукрулло Мақсудов, Ҳайдарали Каримов, Алимардон Омонбоев, Камолитдин Раҳимов каби хабарчиларнинг хизматларидан қишлоқ аҳолиси мамнун.

— Аҳил жамоада бу йилнинг дастлабки ойларида аҳолиға намунали почта хизмати кўрсатилиши боис биринчи чорак режаси ошириб бажарилди, — дейди Қорақушчи почта алоқаси тармоғи бошлиғи О.Мирзаев.

Мухаммадҷон МАҲМУДОВ



«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 2011 йилнинг 1 июн санасидан бошлаб телекоммуникациянинг қуйидаги айрим универсал хизматлари учун янги тарифлар амалға киритилишини маълум қилади:

Умумфойдаланишдаги маҳаллий телефон тармоғи хизматлари учун тарифлар

Якка тартибда симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган асосий телефон аппаратидан фойдаланганлиги учун абонент тўлови ойига, аҳоли учун:	Вақтбай тўлов тизими бўйича
шаҳар телефон тармоғида	1400 сўм
қишлоқ телефон тармоғида	600 сўм

Белгиланган абонент тўлови ва сўзлашувларнинг ўрнатилган бир ойлик 180 дақиқа лимитидан ташқари, абонент томонидан шахсий фойдаланишдаги (телефон тармоғига абонент линияси орқали уланган) телефондан амалға оширилган сўзлашувнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқсиз дақиқаси учун вақтбай тўлови 5,2 сўм миқдориди белгиланди.

Республика ичидаги телеграф алоқаси хизматлари

Хизмат турлари	Тўлов миқдори, сўмда	
	Корхоналар	Аҳоли
Телеграммадаги битта сўз учун тўлов		
оддий	52	22
шошилинч	108	108
Телеграммаларнинг барча турлари ва тонфалари учун телеграф йиғимлари	108	108

Бошқа универсал хизматлар тарифлари олдинги ҳолида сақланган.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!

Телефон тармоғига улаш учун рўйхатға олиш тўлови ва телефондан фойдаланишдаги тўловларға ўрнатилган имтиёзлар ўз кучини сақлаб қолади.

Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашни унутманг!

Хизматлар лицензияланган





Ғолиблик нашидаси

Келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларни жисмонан соғлом, маънан баркамол қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир. Шунинг учун ҳам боғча ва мактаблардан тортиб, коллеж ва олий ўқув юртига қадар бўлган барча билим масканларида спорт-соғломлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратиш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Ушбу вазифага Тошкент алоқа касб-хунар коллежида ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни коллеж баскетболчи ёшларининг "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилиб, юқори ўринларни эгаллаб келаётганидан ҳам билса бўлади. Коллеж баскетбол жамоаси яқинда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган "Баркамол авлод-2011" спорт мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаб, махсус диплом ҳамда кубок билан мукофотланди.

— Бу коллежимиз ўсмирлари ва қизлар командасининг биринчи ғалабаси эмас, — дейди коллеж ўқитувчиси, биринчи тоифали мураббий Юрий Салмов. — Биз 2001 йилда Жиззах шаҳрида, 2005 йилда Тошкент вилоятида, 2008 йилда Нукусда ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида баскетбол бўйича юқори ўринларни эгаллашга муваффақ бўлганмиз. Бу коллежимиз раҳбари Марат Зоҳидовнинг спортни ривожлантиришга бўлган эътибори юқорилигидан ҳамда билим даргоҳимиз Ўзбекистон терма жамоаси таркибига иқтидорли баскетболчиларни тайёрлаб берувчи асосий база эканлигидан далолатдир.

Дарҳақиқат, бу йилги "Баркамол авлод"

спорт мусобақаларида ҳам Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган баскетболчиларнинг асосий қисми мазкур коллеж ўқувчиларидир. Ўсмирлар жамоасида фаол ҳаркат қилган Денис Тимофеев, Вячеслав Бондаренко, Давид Сагитов, Тимур Интулов, Ал-Шахин Хабибулин, қизлар жамоасидан Комила Собиржоновна, Людмила Комарова, Екатерина Никулина, Хосният Тургунова, Алия Саматова, Регина Нигматулина, Евгения Ефремовалар нафақат алоқа касб-хунар коллежи, балки пойтахтдаги барча касб-хунар коллежларининг фахрига айланишган.

Кеча Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ҳовлиси байрам тусини олди. Тошкент шаҳар терма жамоаси учун топширилган Президент совғаси бўлмиш "Дамас" автомашинаси айнан Алоқа касб-хунар коллежига туҳфа қилинди. Ушбу воқеа нафақат баскетболчи ўсмирлар ва қизлар ҳамда улар муваффақиятига улкан ҳисса қўшган мураббий Юрий Салмов, балки барча ўқитувчилар ва ўқувчиларни беҳад мамнун этди. Ғалаба нашидаси барчанинг қалбини шодликка тўлдирди. Зеро, машаққатли машқларнинг самарали натижаси эди бу.

Муборак МИРКАМолова

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"КАМОЛ НУР ШИФО" хусусий тиббиёт корхонасининг (Жиззах ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003225 рақамли;

"SVYAZPROMKOMPLEKT" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003218 рақамли;

"AVM RADIONET" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ;

- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001553 рақамли;

- кўча радиотелефон (радиоалоқа ва трансли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001445 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 10 майдан тугатилди.

МАҚСАД – СОҲА СПОРТИНИ НАМОЁН ЭТИШ

Май ойининг 17-19-саналарида республикамиз тармок касаба уюшмалари жамоалари ўртасидаги спартакиаданинг финал босқичи бўлиб ўтади.

Дастлабки босқич вилоятларда бўлиб ўтган ва финалчилар аниқланган. Айни кунларда Тошкент шаҳридаги Яққасарой спорт мажмуида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тасарруфидаги ташкилотлар ҳамда тармок касаба уюшмалари марказий кенгашлари жамоалари мазкур мусобақанинг финалига йўланма берувчи яна тўртта ўрин учун кураш олиб борапти.

Спартакиада дастуридан шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика ва минифутбол ўрин олган. Алоқа ходимлари касаба уюшмалари марказий кенгаши мутахассиси, мусобақа қатнашчиси Суннат Абдуғаниевнинг айтишича, алоқачилар жамоаси мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрди ва финалгача чиқиш камиди кучли учликка кириш ва соҳамиз спорти салоҳиятини намоён этишни бош мақсад қилиб қўйган.

Эслатиб ўтамиз, 2008 йилги спартакиадада Алоқа ходимлари касаба уюшмалари марказий кенгаши жамоаси фахрли иккинчи ўринни эгаллаганди.

ВИЛОЯТ КУБОГИ – "ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ"ДА

Тошкент вилояти алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари жамоалари ўртасидаги футбол мусобақаларининг финал босқичи якунига етди.

Қибрай, Зангиота ва Бўқада ўтган ҳудудий-минтақавий саралашларда олти жамоа: "Чирком" ҚК, Қибрай ПАТ, Янгийўл ТБ, Тўйтепа ПАТ, Бўқа ПАТ ва Пскент ТБ жамоалари финалга йўланма олди ҳамда "Тошкент Телеком" ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали жамоалари тўғридан-тўғри улар сафига қўшилди.

Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида ўтказилган финал ўйинларида қурба асосида сараланган жамоалар плэй-офф тизимида тўп сурди.

Чорак финал натижалари: "Чирком" ҚК – Янгийўл ТБ – 2:3, Тошкент филиали – Тўйтепа ПАТ – 2:1, "Тошкент Телеком" – Пскент ТБ – 12:1, Бўқа ПАТ – Қибрай ПАТ – 3:5 (пеналтилар бўйича).

Ярим финалда янгийўллик телекомчилар Тошкент филиали жамоасига муносиб қаршилик кўрсатди. Бироқ вазиятлардан унумлироқ фойдаланган почтачилар ғалабани илиб кетишти: 2:4.

Иккинчи учрашувда қибрайлик почтачилар кучли рақиб – "Тошкент Телеком" жамоаси синовидан ўтди. Барибир тажриба ўз сўзини айтди ва Ўзбекистон алоқа ходимлари ўртасида ўтказиб келинаётган футбол бўйича республика чемпионатининг амалдаги ғолиби – "Тошкент Телеком" жамоаси рақиб дарвозасига жавобсиз бешта тўп киритиб финалга чиқди.

Мунтазам жамоа сифатида катта тажрибага эга "Тошкент Телеком" бу йил ҳам вилоят кубогини қўлга киритди ва республика турнирида ҳам ғолибликка даввогарлардан бири эканини яна бир бор исботлади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент филиали ва Қибрай ПАТ жамоалари эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга эсдалик ва қимматбаҳо совғаларни "Тошкент Телеком" филиали директори Ш.Ҳакимов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали директори А.Ҳайдаров ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Б.Рафиқовлар топширишти.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ жамоаси жамият бош бухгалтери Абдуҳаб Ризақуловга волидан муҳтарамаси
Олтин РИЗАҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси филиалнинг ишлаб чиқариш участкаси назорат ва таҳлил бўлими бошлиғи Муҳиддин Маҳмадалиевга онаси

Ҳалима МАҲМАДАЛИЕВанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Инсон танасини кўзга кўринмас нурлардан ташкил топган биологик қувват ўраб туради. Бу биологик қувват нафақат тирик мавжудотларда, балки ўсимликларда, биноларда, тошларда, турли-туман маъданларда бўлиши мумкин.

Ҳар бир тирик мавжудотнинг биоқувват майдони турлича. У кенгайиб ва тарайиб туради. Инсон биоқувватининг ўзгариб туриши кўп нарсага боғлиқ. Масалан, стресс ҳолатда, бошга кулфат тушганда, ғам-ғусса ва ҳоқазолар сабаб бўлиши мумкин. Инсоннинг биоқувват майдони ўз атрофида ташкил топади. Инсонда икки хил майдон мавжуд. Улар ижобий ва салбий ҳисобланади. Бундан ташқари, улар тўртта танага бўлинади: 1) Физикавий тана. 2) Астрал тана. 3) Эфир тана. 4) Ментал тана. Ноёб қобилият соҳиблари (кароматчи кишилар) ана шу таналар орқали инсон вужудидаги бор зиён ва касалликларга бемалол ташхис қўйишлари мумкин. Халқимизда “Юз кўр, ҳол сўр”, деб бежиз айтилмаган. Шу мақол ҳам биоқувват майдонига тааллуқлидир.

Агар табиб ёки шифокор ғамгин ва оғир бир ҳолатда бўлса, ундан салбий биоқувват чиқадди. Ана шу биоқувват беморнинг танасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Салбий биоқувватга эга бўлмаслиги учун, авваламбор, ноёб қобилиятли ва истеъодли киши руҳан ва маънан покиза бўлиши лозим. Мияда фақат яхши ният-истаклар, фикр, ғоялар ҳамда яхши кайфият бўлмоғи зарур. Бўлмаса, оқибатда салбий биоқувват нафақат беморга, ҳаттоки уйдагилар ўртасидаги муносабат-



ларга ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Салбий биоқувват майдони бир неча соат сақланиб туради. Бу эса хондонда уруш-жанжалларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Масалан, бир хил оилаларда ҳеч қанақа камчилик бўлмаса ҳам, улар орасида уруш-жанжал, тушунмаслик ва зиддият пайдо бўлади. Бунинг сабаби оила аъзоларидан бирининг салбий биоқувватга эгаллигидир. Масалан, сиз ким биландир танишиб қоласиз, аммо уни ҳеч кўрмагансиз, лекин у билан эркин тил топаша оласиз. Унинг дунёқарши, муомаласи, ички дунёси сизга маъқул

бўлади. Ана шу ҳолат биоқувватнинг ижобий маҳсулидир. Агар унда салбий биоқувват майдони бўлганда, у ҳолатда одам ундан қочиб ҳаракат қилади. Биоқувватни кўрсатадиган “асбоб” мавжуд, у ҳам бўлса инсоннинг ширин ёки захар тили. Тил қиличдан ўткир бўлади. Қиличдан олган жароҳатни даволаб бўлади, аммо захарли тил жароҳатини даволаш оғир. Тилдан чиқадиган сўзлар ҳам биоқувватга тааллуқлидир. Бу эса ички биомайдон ҳисобланади. Бир хил одамлар беҳуда, сабабсиз одамларни қақиб, ўз захарини сочади.


Агар ана шу одамлардан маълум чегарада бўлсангиз, шунинг ўзи сизга ҳам даво, ҳам шифодир.

Инсоннинг ижобий ёки салбий биоқувват майдони сувга, овқатларга, ўсимликларга, дарактларга, борлиққа ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Агар сувга биомайдон қуввати юборилса, унинг таркибида даволовчи биоқувват пайдо бўлади, чунки ичимлик сувида бошқа озиқ-овқатларга қараганда уни қабул қилиш куч-қуввати анча баланд. Бундан ташқари, одам ўз фикрини материяга айлантириб, компас стрелкасига таъсир қила олади. Демак, фикр биомайдони орқали ҳамма тирик ёки ўлик жисملарга таъсир ўтказиши мумкин.

Маълумки, организмни мия бошқаради. Мия атрофида тоза, шаффоф ёғду пайдо бўлган бўлса, демак, биоқувватнинг майдони жуда кучли ҳисобланади. Агар, масалан, бундай одам жамоат транспортига чиқиб қолса, у атрофидаги одамларга ҳам таъсир қила бошлайди. Бу унинг салбий ёки ижобий куч-қувватига боғлиқ. Албатта, бошида булут каби тоза биомайдон бўлса, бу ҳолат ўша одамнинг яхшилигидан, поклигидан, олижаноблигидан хабар беради. Ундай одам 1-2 миллион кишидан битта ёки иккита чиқиши мумкин. Улар маънан ва жисмонан соғлом, маърифатли, маданиятли бўлади. Хулқ, одоб жиҳатдан улар бошқалардан устун туради. Ана шу аура (“ёғду”) инсоннинг кимлигини кўрсатиб беради.

Тоҳир СОЛИЕВ,
иккинчи гуруҳ ҳарбий погирони

Кроссворд



- Соғлом; ҳақиқий, тўғри.
- Кимёвий модда.
- Француз нони.
- Шифобахш ўсимлик.
- Наманган вилоятидаги туман.
- Америка полициячиси.
- Бошқотирма.
- Россия футбол клуби.
- Кўшин, лашкар (қадимда).
- Алоз.
- Нотиқ, воиз.
- Спорт туди.
- Нукра (мумтоз адабиёт).
- Бошоқдошларга мансуб бир йиллик галла ўсимлиги.
- Тасаввур, тахмин.
- Эрта тонг.

ANONS

Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, таълим сифати ва самардорлигини ошириш ҳамда ҳаётта табиқ этиш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинаётган “Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази” кўрик-танловининг республика босқичи якунланди. Мазкур танлов ёритилган мақола билан газетамизнинг келгуси сониди танишасиз.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси ўзларининг 55 бахорларини қарши олаётган фахрий Светлана МАРЧЕНКОни, Данғара ва Қорақўشчи почта алоқаси тармоқлари ходимлари Светлана РАХИМОВА ҳамда Маъмуржон ЖАЛИЛОВларни таваллуд айёмлари билан чин юракдан қутлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узок умр, фарзандлар бахти-қамолини кўришни тилайди.

Xabar
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Ҳажим МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).
Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.
Видеот муҳбирлари:

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-502 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16177 нусха.

ISSN 2010-6424
Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.